

МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ



Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 6 декабрь куни «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан авф этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан жазолари авф этилган фуқаролар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев олиб борди.

Мазкур Фармонга асосан вилоятимиз бўйича 75 нафар фуқаро авф этилган.

- Халқимизнинг кечиримлилик, бағрикенглик каби инсоний фазилатлари акс этган ушбу Фармонга асосан барчангиз авф этилдингиз. Барчангиз энди бошқа фуқаролар сингари озод ва эркинсизлар, - деди вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев. - Сизлар ва оилаларингиз билан бугунги учрашувимиздан мақсад - оилаларингиз билан танишиш, кўнглингизни сўраш, рўзгорингиздаги камчиликларни аниқлаш ҳамда оилаларингизга, фарзандларингизга Янги йил совғаларини топширишдан иборат. Президентимиз айтганларидек: "Инсонларнинг дард-у ташвишларини ўйлаб яшаш, одамийликнинг энг олий мезонидир". Мулоқот давомида қандай муаммоларингиз бўлса, юракларингиздагини бемалол айтинглар, сизларнинг ҳаётда яна тинч ва бахтиёр яшаб кетишларингиз учун бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз.



Шундан сўнг вилоят ҳокими авф этилганлардан бирма-бир қаерга ишга жойлашганини, оиласидагиларнинг, ўзларининг, фарзандларининг кайфиятлари, рўзгорларидаги камчиликлар билан қизиқди. Туман ва шаҳарлар ҳокимларидан уларни ишга жойлаштириш, саломатликларини тиклаш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида сўради. Кам таъминланган оилаларга қиш мавсумида кўмир ажратиш, моддий жиҳатдан кўмак бериб туриш, уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиш вазифаларини юклади. Уларнинг оилаларига Янги йил байрамини нишонлаш учун турли нозу неъматлардан иборат озик-овқатларни, фарзандларига аталган Янги йил совғаларини топширди.

Мулоқотлардан маълум бўлдики, уларнинг ҳаммаси касбларига хос, қизиққан йўналишларида, ўзлари танлаган жойларга ишга жойлаштирилган.

Учрашувда шунингдек, вилоят прокурори Равшан Машарипов сўзга чиқиб, ушбу Фармонинг моҳияти ҳақида тушунчалар бериб, авф этилганларга ғамхўрлик қилинаётгани, бу меҳр ва эътибор уларни ҳаёт йўлларида энди оғишмай, бошқа жиноят қилмасликларига ундашига ишонч билдиради.

Авф этилганлар номидан сўзга чиққан Эҳром Муҳаммадиев кўнглидагиларини шундай ифодалади:

- Мен диний маълумотим етарли бўлмагани учун, диний экстримизм ғоясини тарғибот қилувчилар тузоғига тушиб қолдим. Жазо муддатини ўташ даврида оқу-қорани ажратдим, ислом динида ёвузлик, бузғунчилик, кишилар ҳаётига хавф солиш мутлақо қораланишини тушуниб етдим. Қилмишимдан қаттиқ пушаймонман. Гуноҳимни афв этганлари учун

Президентимизга минг бор ташаккур, энди жиноят кўчаларига қайрилиб ҳам қарамайман. Бугун куч қувватимни фарзандларим тарбиясига бағишлайман. "Жаҳолатга қарши-маърифат билан курашиш" ақидасига амал қилиб яшашга ваъда бераман.



Учрашув сўнгида вилоят ҳокимлиги ошхонасида авф этилганлар байрам дастурхонига таклиф этилдилар. Бу ерда ҳам вилоят ҳокими уларни яна бир бор эркинликка чиққанликлари, Янги йил байрами билан кутлаб, келгуси ҳаётларида бахт-саодат тилади.

Биз авф этилганларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, уларнинг орзу-армонлари, кўнгил кечинмалари билан қизиқдик.

- Ёлғиз ўғлим Толибжон ишхонасида жиноятга қўл уриб, қамалиб қолди, - дейди боёвутлик онахон Каромат Шерназарова. - Боламнинг доғи-қуйиғида қанча дард орттирдим. Ҳаммасидан қийини унинг тўрт нафар фарзандининг "Дадам қачон қайтади" деган саволларига жавоб тополмай, уларнинг кўзларига боқолмаслигим бўлди. Кунлар йиллардай узок бўлиб кетди, Президентимизни умрим борича дуо қиламан, ўғлимни авф этдилар. Оиламизга қайтадан бахт, ҳаловат кирди, кўзларимга уйқу инди. Невараларимни айтмайсизми, отаси-да, бири қўйиб-бири бўйнига осилади. Бугунги совғаларни олиб борсак, улар қандай суюнишар экан-а? Тўққиз ой давомида ўғлим ҳам вазминлашиб, ўйчан бўлиб қолибди. Ҳар гапида мендан чектирган азоблари учун кечирим сўрайди.

- Мен қилган жиноятим учун қамокда узок ўтирдим. - Бу орада ўғлим Элдор 10 ёшга, қизим Озодахон 7 ёшга кирди, - дейди сирдарёлик Эҳром Муҳаммадиев. - Улар ҳарфларни ўрганишлари ҳамона менга хат ёзишни бошладилар. Юрагимни пушаймонлик, афсус, надомат ўртайверарди. Мен Президентимиздан кечирим сўрайман. Бағрикенглик

шу қадар бепоён бўлармикан? Мендай гофил бандаларга шунчалик ғамхўрлик, мурувват, саховат кўрсатилиши, юрагимдаги эзгуликларни ўстирмоқда. Ота бўлиб, неча йиллар фарзандларимни байрамларда хурсанд қилиш насиб этмаган эди. Манна, бугун уларга совғалар олиб бораман, оилам даврасида яхши тилаклар билан Янги йилни кутаман.

- Кейинги пушаймондан фойда йўқ, лекин у бошқа оналарга сабоқ бўлар, - дейди янгиерлик онахон Раънохон Мирҳамидова. - Икки нафар ўғлим бор. Рўзгоримиз бут, турмушимиз фаровон эди. Ўртоқларининг қизиқтиришларига учиб, ўғлим Россияга ишга кетди. Оёқларига ёпишиб олсам, йиғлаб йўлларини тўссам бўлмасмиди? Болаларингизнинг дўстлари ким, уларнинг машғулотлари билан албатта, қизиқинг. Россияга қурувчиликка ишга кетган ўғлим Музробжон бир гуруҳ диний экстремистларнинг домига тушиб қолган. Қанча азобли кунларни бошдан ўтказдик. Президентимизга минг раҳмат, ўғлимни афв этдилар. Ишга жойлаштиришди. Мана шунча яна совға-саломлар беришди. Адашган, болагинамни бошини силашди.



Сухбатимизга келиб қўшилган ховослик Олег Бекузинь, сайхунободлик Алижон Мавлонов, Жалолиддин Исмоилов, мирзаободлик Рустамжон Шукуров, Азизбек Муҳаммадиев сингари ўнлаб авф этилган фуқаролар янги йил арафасида уларни озодликка чиқариб, хонадонларига бахт ва шодлик ато этган Президентимизга ташаккурлар айтдилар, қайтиб хато қилмасликка ваъда бердилар. Ҳа, ҳаётдаги энг ноёб туйғу қадрдир. Авф этилганларнинг фуқаро сифатида қадрланганидан, кўрсатилаётган ғамхўрлик, мурувватлардан кўнгиллари қувончга тўлганлиги чин. Бундан

буён уларнинг ҳаёт йўларида сира-сира адашмаслигига ишонгимиз келади.

Дилором ИСМАДИЁРОВА